

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши ҳузуридаги жамоат фонди
2022 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида муҳим ижтимоий аҳамиятга
молик лойиҳаларни амалга оширишга давлат ижтимоий буюртмаларини тақдим этиш учун танлов
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(жами 400 млн. сўм)

№	ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни талаб қилувчи давлат органлари фаолиятининг устувор йўналишлари, давлат ижтимоий буюртмасининг мақсад ва вазифалари	Давлат буюртмачиси	Белгиланган маблағ миқдори
I. Жамиятда соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, ёш авлодни маънан етук ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, хотин-қизлар ҳамда кексаларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш			
1.	<p>Устивор йўналиш: Маданият муассасаларининг асосий вазифаси аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, ўсиб келаётган ёш авлодни маданият ва санъат йўналишларига жалб этиш ва кенг аҳоли қатлами орасида турли маданий ва оммавий тадбирлар, кечалар, кўрик-танловлар ташкиллаш ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, ҳудудга ташриф буюрган юқори мартабали меҳмон ва делегацияларни тантанали кутиб олиш ва кузатишдан иборат.</p> <p>Мақсад: вилоятимизнинг чекка ва чегараолди ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари, хусусан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маданият ва санъат йўналишидаги тўғаракларда шуғулланишларига кенг шарт-шароит яратиб бериш. Хусусан, вилоятимизнинг анклав ҳудудларидан бири ҳисобланган Фарғона туманининг Шоҳимардон ва Ёрдон қишлоқларида истиқомат қилувчи уюлмаган ёшларни маданият ва санъат соҳасидаги турли тадбир ҳамда тўғаракларга жалб этиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, Ватанга бўлган мухаббатларини янада юксалишига хисса қўшиш.</p> <p>Вазифалар: Ҳудудлардаги ёшларни маданият ва санъат йўналишларига жалб этиш;</p> <p>-ёшларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маданий тадбирлар ва байрам кечалари ҳамда тўғаракларни самарали ташкил этиш мақсадида овоз</p>	Фарғона вилояти Маданият бошқармаси	150 млн

	<p>кучайтиргич ва муסיқа асбоблари билан таъминлаш; -маданий-маърифий тадбирлар ҳамда концерт дастурларининг сифатини ошириш.</p>		
2.	<p>Устувор йўналиш: Худудда аҳолининг кенг қатламларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб қилишга ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя этишга, жисмонан соғлом ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашга, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантиришга, мамлакат ва минтақанинг халқаро спорт майдонларида эришган спорт ютуқларини оммалаштириш ва кенг эътироф этишга йўналтирилган фаолиятни амалга ошириш.</p> <p>Мақсад: Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама соғлом этиб тарбиялаш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланган. Айниқса, йигит ва қизларни бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спорт билан шуғулланишларини таъминлаш бугуннинг асосий вазифаларидан бири саналади.</p> <p>Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоятимизнинг анклав тумани ҳисобланган Сўх туманида уюлмаган ёшларни спортга жалб қилиш, бўш вақтини самарали ўтказиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.</p> <p>Вазифалар: Аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммавийлигини ошириш, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан кенг қамраб олиш мақсадида Сўх туманида ёшларни спорт билан шуғулланишлари учун зарурий спорт жиҳозларини етказиб бериш.</p>	<p>Фарғона вилояти Спортни ривожлантириш бош бошқармаси</p>	<p>160 млн</p>
3.	<p>Устувор йўналиш: Аҳолининг саломатлигини сақлаш ва янада яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун кенг шароит яратишни, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга ошириш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.01.1999 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида” ги Қарори билан тасдиқланган).</p> <p>Мақсад: Вилоятимизда ташкил этилган бирламчи тиббий муассасаларни</p>	<p>Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси</p>	<p>90 млн.</p>

<p>моддий техник базасини мустақкамлаш, муассасаларга бириктирилган аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишда муҳим бўлган касалликлар, яъни юрак қон-томир касалликларини эрта босқичларда аниқлаш, ташхис қўйиш ва аниқланган касалликларни амбулатор ва стационар шароитда даволаш тизимини янада такомиллаштириш.</p> <p>Вазифалар: Фарғона вилоятининг чекка ва чегараолди ҳудудларида фаолият олиб бораётган 7 та оилавий поликлиника (ҚВП)ларнинг моддий техник базасини мустақкамлаш ҳамда уларнинг ҳар бирини 1 тадан ЭКГ аппарати билан таъминлаш (7 дона, 6 каналли ЭКГ аппаратини харид қилиш).</p>		
--	--	--

Ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳани амалга оширишда давлат ижтимоий буюртмасининг шартлари:

- ижрочи ташкилот белгиланган тартибда ННТ ва ФЖБИ сифатида рўйхатдан ўтган бўлиши зарур;
- давлат ижтимоий буюртмасини бажариш доирасида амалга оширадиган фаолият ижрочи ташкилотнинг уставдаги вазифаларга мувофиқ келиши;
- ижрочи ташкилотда лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган кадрлар ва техник имкониятнинг мавжудлиги;
- ижрочи ташкилотда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш борасидаги тажрибанинг мавжудлиги;
- лойиҳани амалга ошириш ҳақидаги шартномани сифатли ва ўз вақтида бажариш, уни амалга ошириш вақтида ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя этиш.

Давлат ижтимоий буюртмаси танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:

- Ариза тақдим этаётган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти раҳбари имзоси ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати;
- Давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳаси учун ариза;
- Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг Устави (низом) нусхаси;

- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;
- Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси;
- Ташкилотни ҳудудий Давлат солиқ инспекциясидан қарздор эмаслиги ҳақида маълумотнома тақдим этилади.

Ҳужжатлар 2022 йилнинг 28 октябрь кунидан 28 ноябрь кунигача (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ҳар кун соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Тақдим этилган муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар Ҷамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Ҷамоат комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва натижалари эълон қилинади.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): Фарғона шаҳри Б.Марғилоний кўчаси 105-уй манзилидаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйининг 2-қаватида жойлашган Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Ҷамоат фонди номига юборилиши сўралади.

Маълумот учун телефон: 93-732-77-87. 93-643 25 10. 91-119-20-20.